

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ғ.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмга таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЪЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айрим Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усулда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ҲАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарғона водийсида суғориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадиий талқини 62

УДК: 371.389/036

АХЛОҚИЙ МЕРОСДА ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСАЛАСИ

Д.Норматова

Аннотация

Мақолада ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек, тарихий-маънавий қадриятларнинг инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, жамият ва шахс маънавиятини юксалтирувчи, тафаккур ривожига беқиёс аҳамият касб этадиган қадрият шакллари тушунилиши ёритиб берилган.

Аннотация

В статье анализируются вопросы историко-духовных ценностей в нравственном наследии. Рассматривается вопрос воспитания человека в духе уважения к историко-духовным ценностям и важное его значение в зрелости. Также в статье освещена проблема духовного возвышения общества и личности, играющего огромную роль в развитии мышления и формировании ценностей.

Annotation

In the article the issues of historical-cultural values in the moral heritage are analyzed. Human education in the historical-spiritual values and the importance of it's in maturity. The article also about spiritual exaltation of society and person which plays an important role in development of thinking and the formation of values is reported.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий-маънавий қадриятлар, жамият ва шахс, тафаккур, маданият, маданий турмуш тарзи, миллий дунёқараш, тараққиёт, ижтимоий гуруҳлар, Ўрта асрлар, мутафаккирлар.

Ключевые слова и выражения: историко-духовные ценности, общество и личность, мышление, культура, культурный образ жизни, национальное мировоззрение, прогресс, социальные группы, Средние века, мыслители.

Key words and expressions: historical-spiritual value maturity, society and person, thinking, culture, cultural way of life, national consciousness, social groups, civilization, the Middle Ages, thinkers.

Тарихий-маънавий қадриятларнинг ахлоқий меросдаги ўрни ҳақида фикр юритилганда, бевосита Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига мурожаат қилиш керак. Чунки асарда инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига дахлдор, жамият аъзоларини тарбиялашга, уларнинг тарихий-маънавий баркамоллигини таъминлашга хизмат қиладиган қадриятлар тизимини ифодаловчи тушунчалар атрофлича таҳлил қилиб берилган. Тарихий-маънавий қадрият деганда, инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга, жамият ва шахс маънавиятини юксалтирувчи, тафаккур ривожига беқиёс аҳамият касб этадиган қадрият шакллари тушунилади. Тарихий-маънавий қадриятлар муайян шароитда шаклланади ва шу маънода миллий муҳит уларни яратиш ҳамда саралашнинг асосий манбаи бўлади.

Тарихий-маънавий қадриятларни англаш кишининг ўз миллати, юрти, элига тегишли қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилади, ўзига ишонч ва ҳурматни мастаҳкамлайди. Ватан истиқболига катта умид билан қарашга ундайди. Муайян миллат тарихий-маънавий қадриятларни қанчалик асраб-авайласа, унинг тараққиётида маънавий ва моддий омиллар уйғунлиги шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади. Улар, аввало, жамият аъзоларини ўзини ўзи тарбиялашга, аждодлардан мерос қолган қадриятларга ва идеалларга муносиб бўлишга ундайди. Бу жараёнда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчисида тарихий-маънавий қадрият жамият аъзолари томонидан онгли тарзда яратилади, яъни одамлар ўзларида мавжуд бўлган маънавий меъёрлар ва мезонлар ҳақидаги тушунчалар асосида уларга мос келадиган қадрият ва идеалларни яратади. Бундай саъй-ҳаракатлар жамият аъзоларининг маънавий фаоллигини оширади,

Д.Норматова – ФарДУ, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди.

излаш, изланиш ва яратувчиликка чорлайди. Иккинчи ҳолатда эса, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилган билим, турли урф-одатлар ёки бошқа маданий-маърифий тадбирлар жараёнида олинган таассуротлари ҳам тарихий-маънавий қадриятларнинг шаклланишида ҳар икки миллат ҳолатнинг ҳам таъсири кузатилади.

Маънавий қадриятлар ижтимоий онг шаклларига мос келадиган маданий, маънавий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий ва бошқа турларга бўлинади. Улар инсоннинг ақли, камолоти, дунёни билиш мақсади, билимларнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида намоён бўлади. Тарихий-маънавий қадриятларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, уларнинг баъзилари инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланади ва такомиллашиб боради. Уларнинг миқдори ва сифатининг ортиши жамият аъзоларининг тафаккур даражасининг юксалиши ҳамда инсоният тараққиёти қанчалик илгарилаб кетганининг кўрсаткичи ҳам бўлади. Бундан кўринадики, маънавий қадрият ва қадрият мезонлари миллат маънавияти ва унга мансуб кишиларнинг хулқ-атворини, ахлоқини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришда алоҳида ўринга эга бўлади. Маънавий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг иродасини мустаҳкам қиладиган, унга куч бағишлайдиган асосий омиллардан биридир. Халқимизнинг аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб қолиб келаётган маънавий қадриятлар узоқ тарихий жараёнда шаклланиб, ривожланиб келган. Уларни уч минг йилдан ортиқ даврни мужассамлаштирган халқимиз цивилизацияси яратган. Бизнинг маънавий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга узвий боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва ана шу юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша каби кўплаб тушунчаларда ифода этилган. Шулардан келиб чиқиб, бу фикрлар куйидаги мисолларда ўз ифодасини топади. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн

Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Бобораҳим Машраб каби Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари маънавий меросининг таркибий қисми бўлган ахлоқий мерос кейинги авлодлар учун қанчалик аҳамият касб этишини куйидаги саҳифаларда таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Ўрта асрлар мусулмон Шарқда арастучилик йўналишига асос солган қомусий аллома Абу Наср Форобийдир. Абу Наср Форобийнинг ахлоқий мероси ва унинг асосий йўналишлари ҳақида фикр юритилганда, аллома томонидан кейинги авлодлар учун маънавий, ахлоқий мерос бўлиб қолган "Ақл тўғрисида", "Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари", "Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида", "Буюк кишиларнинг нақллари" ва бошқа қатор асарлари ва бу асарларда қайд этилган ахлоққа доир нодир фикрлар, таълим-тарбия масалалари қай даражада ифода этилганлигига эътибор қаратилади. Абу Наср Форобий ахлоқий қарашларининг муҳим томони унинг пантеистик рационалистик йўналишда эканлигидадир. Абу Наср Форобий бутун Ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари фалсафий қарашларининг марказида бўлган ақл муаммосига алоҳида эътибор берган. У ақллиликни инсоннинг бошқа фазилатлари билан узвий ҳолда кўради. Масалан, мутафаккир "Ақл тўғрисида" номли рисоласида юқоридаги фикрларни исботлаш учун шундай дейди: "Ақлли деб шундай кишига айтамикки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин" [1.85].

Абу Наср Форобий ўз фалсафий қарашларида рационал йўналиш, яъни ақлий салоҳиятга муҳим аҳамият қаратганлигининг асоси бор. У инсон ақлий билиш орқали турли воқеликка бўлган муносабатини ўзгартиради, ўзида инсоний

фазилатларни мужассамлаштиради, деган ғояга амал қилади. " ...файласуфнинг,-дейди Абу Наср Форобий,-одати, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ, худди туғмадек бўлиши керак. Шунингдек, ўзи униб ўсган ўз миллати (ёки халқи)нинг раъйини ва ўзи ҳақида бўлган энг яхши фазилатларни қаттиқ тутган (яъни уларга риоя қилган) бўлиши керак. Бундай қилиш камолотга эришуви ёки улуғлик касб этишга ҳеч қандай халақит бермайди. Файласуф бўладиган одам ўз ахлоқи ва хусусиятлари билан бу айтилган шартларга жавоб беролса, шундан кейин у фалсафа билимини ўрганишга ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин" [2.404].

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ичида фаннинг ҳамма соҳалари билан шуғулланган қомусий олим Абу Райҳон Беруний илмий меросида ахлоқий фикрлар ўзига хос йўналишда ривож топган. Абу Райҳон Беруний фалсафий, ахлоқий мероси деистик характерда бўлган. Агар Абу Наср Форобий ахлоқ тушунчаларининг моҳияти ва мазмунини инсон ақлига боғлиқ йўналишда изоҳлаган бўлса, Абу Райҳон Беруний ахлоқни инсоннинг ўзида, деб ахлоқни ижтимоий ҳодисалар, кишиларнинг моддий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ҳодисадир, дейди. Ана шундай ҳодиса бўлган ахлоқ турли йўналишда кўзга ташланади. У инсондаги ахлоқни олижаноблик, мурувват, адолат, ростгўйлик, ботирлик кабиларда кўради. Мутафаккир юқорида санаб ўтилган хислатлар ичида ростгўйликка кўпроқ урғу беради. Чунки инсондаги ростгўйлик шижоатни келтириб чиқаради. "Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган хулқ, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юқори даражалиси бир хил тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир" [3.19]. Шундан келиб чиқиб, Беруний ўзининг тўғри фикрларидан қайтмагани учун ўлимга ҳукм этилган ва ҳалок бўлган файласуф Суқротнинг ростгўйлик йўлидаги ахлоқий

фазилатларини бир идеал сифатида тилга олади.

Абу Райҳон Беруний ростгўйлик билан бирга мурувватга ҳам алоҳида эътибор қаратади. У мурувватни инсоннинг чинакам ахлоқий хислатларидан бири, деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрига кўра, мурувватли инсон одамларга хайрихоҳ бўлади, у ҳалол ва ҳақгўй, бойлик орттиришга интилмади, ўз меҳнати билан деҳқончилик, савдо-сотик, хунармандчилик ва ҳоказо билан шуғулланадими, бари бир ўз меҳнати билан яшайди. Абу Райҳон Беруний ростгўйлик ва мурувватлилик, сахийлик замирида меҳнат ётади, деб билган. Меҳнат ҳаётда из қолдиради, унинг мевасидан авлодлар фойдаланади. "Меҳнат қилмасдан олий мартабага эришган киши тинч ва роҳатда яшайди, яхши кийинади, аммо у улуғворлик либосидан яланғочдир" [4.26], дейди мутафаккир. Шундай қилиб, Абу Райҳон Беруний ўз ахлоқий меросидаги асосий йўналишларни мавҳум ҳикматлар билан чеклаб қўймай, унинг асосида меҳнат ва шахснинг кишиларга, жамиятга, ўзига нисбатан реал амалдаги муносабатлардан келиб чиққан хислатлар, деб билади.

Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари орасида ўзининг табиий-илмий, фалсафий, ахлоқ-одобга оид асарлари билан жаҳон фани ва маданиятига беназир ҳисса қўшган олим Абу Али ибн Синодир. Ибн Синонинг ахлоқ ҳақидаги қарашлари асосан "Ахлоқ илмига доир рисола", "Бурч тўғрисида рисола", "Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола", "Адолат ҳақида китоб", "Турар жойлар тадбирлари", "Донишнома" каби одоб-ахлоққа доир рисолаларида ўз ифодасини топган. Абу Али ибн Синонинг ахлоқий мероси Форобий ва Беруний ахлоқий меросидан озиқланиб ривож топган бўлишига қарамай, улар ахлоқий меросидан фарқ қиладиган томонлари ҳам бор. Юқорида қайд этганимиздек, Форобийда рационал йўналиш, Берунийда мавҳумликка асосланмаган, инсон ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар асосидаги йўналиш бўлса, ибн Синода амалий фалсафа йўналишида эканлиги кўзга

ташланади. Амалий фалсафани ибн Сино яна учга бўлади. Унинг таъкидлашича, "Биринчиси – мамлакатни идора қилиш, иккинчиси – уй-оилани идора қилиш ва учинчиси – ўзини идора қилиш" [5.404], деб инсонга хос бўлган ахлоқни амалий фалсафага киритади.

Абу Али ибн Сино томонидан айтилган амалий фалсафа йўналишидаги ғоялар ўз даврида маънавиятимиз учун асос бўлган бўлса, ҳозирги шароитда, хусусан, ёшларни ахлоқий руҳда тарбиялашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Уни мустақил Ўзбекистонимиз ижтимоий ҳаётига олиб кирсак, ёшларимиз жисмонан бақувват, ақлий жиҳатдан етук шахслар бўлиб камол топишида алоҳида аҳамият касб этади. Х аср охири – XI асрлар Марказий Осиё минтақасида турли ижтимоий ўзгаришлар рўй берган бўлишига қарамай, янги маънавий жараён ақл ва мантиқий тафаккурни маънавият асосига қўйишда давом этди. XI асрда ислом маърифатчилигига ўз ижоди билан яқун ясаган ислом илоҳиётчиларининг забардаст вакили Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111) эди. Абу Ҳамид Ғаззолий "Мақосид ал-фалосифа" ("Файласуфларнинг мақсадлари"), "Тахофут ал-фалосифа" ("Файласуфларнинг раддиаси") ва

фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи "ал-Мунқиз мин ад-далал" каби асарларни ёзган.

Унинг ахлоқий қарашлари асосан ҳар жиҳатдан буюк асар бўлмиш "Ихёи улум ад-дин" деб аталган тўрт жилдлик китобида ўз ифодасини топган. Асарда ахлоқий масалалар таваккул (ҳамма нарсада Оллоҳга суяниш) йўналишида Худонинг яқкалигига эътиқод қилиш сифатида талқин этилиб, бунда муҳаббат, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният, хижрон, қаноат, самимият, ҳақгўйлик, ўз-ўзини эҳтиёт ва назорат қилиш, ўз ҳолини мушоҳада қилиш ва ўлимни ёдда тутиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Асарда ахлоқий, диний, ҳуқуқий тушунча ва муаммолар мантиқий далиллар ёрдамида таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маънавий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, бугуни, келажаги, урф-одат ва анъаналари, уни ташкил этган авлодлар тафаккури, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил ҳамда миллий маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли маънавий қадриятларга эътибор кучайди.

Адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Ўзбекистон.1975.
2. Жўраев.Н. Тарих фалсафаси. – Т.: Маънавият,1999.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 2-т, – Т.: Ўзбекистон, 1968.
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 2-т. – Тошкент: Ўзбекистон, 1968.
5. Абу Ҳамид Ғаззолий. Воскрешение наук о вере. – М.: Наука,1980, с. 239.
6. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане.1959, с. 106.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).